ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ШОМУРОТОВА ШИРИН ХАЖИЕВНА

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА “КОМПЛЕКС БИРИКМАЛАР КИМЁСИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

УДК 378:54:371.3

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on pedagogical sciences

Шомуротова Ширин Хажиевна
Олий таълим муассасаларида “Комплекс бирикмалар кимёси” фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш 3

Шомуротова Ширин Хажиевна
Совершенствование методики преподавания дисциплины “Химия комплексных соединений” в высших образовательных учреждениях … 21

Shomurotova Shirin Khajievna
Improving the methodology of teaching the subject of “Chemistry of complex compounds” in higher education institutions 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 43

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ШОМУРОТОВА ШИРИН ХАЖИЕВНА

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА “КОМПЛЕКС БИРИКМАЛАР КИМЁСИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Ped1212. рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Абдуллаева Барно Сайфутдиновна** педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Бабаев Туйгун Мирзаахмедович** кимё фанлари доктори, профессор
	Шоймардонов Туймурод Турдиалиевич педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.Ped.01.09 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «____» _____ соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174 Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998) 71-246-67-35; факс: (+998) 71-246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (+998) 71-246-67-71.

Диссертация автореферати 2020 йил «___»_____куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси)

М.М.Арипов
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Д.М.Махмудова
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, п.ф.ф.д. (PhD)

М.Тўхтасинов
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кимё фанини ўқитиш сифатини яхшилаш, таълим жараёнига инновацион ва ахборот технологияларини татбиқ этиш, интеграциялаш, аралаш таълим технологияси имкониятларидан фойдаланиш, талабаларнинг ақлий салоҳияти, ижодий қобилиятлари ва билиш даражасини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий методик таъминотни яратишга қаратилган самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда. Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида соҳа мутахассислари томонидан кимё фанини инновацион ва ахборот технологиялари асосида ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, назарий-методологик ва услубий асосларига оид илмий ишланмаларни таълим жараёнида қўллашга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Халқаро миқёсда табиий фанларни ўқитиш самарадорлигини ошириш, кимёнинг назарий асосларини ахборот технологиялари ва инновацион педагогик технологиялар ёрдамида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда хорижий давлатларда ўқув ва илмий лабораторияларни яратиш бўйича бир қатор амалий ишлар бажарилган. Ушбу тадқиқот ишларида Интернет ёки қаттиқ дисклардан фойдаланган ҳолда тажрибалар икки ўлчамли график моделлар ёрдамида амалга оширилади. Уч ўлчамли графикда кимёвий тажриба ўтказиш учун Virtual Chemical Lab жамланмаси ишлаб чиқилган. Оксфорд университетида тажрибаларни бажаришга мўлжалланган Virtual Chemistry видеолавҳалари яратилган.

Республикамизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва баркамол авлодни тарбиялаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилди. Мамлакатимиз таълим тизимида ўқув жараёнига инновацион технологиялар ва ахборот-коммуникация воситаларини жорий этиш, ўқитиш интенсивлиги ва самарадорлигини ошириш, уларни жаҳон андозаларига мослаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш»[1] вазифалари белгиланган. Бу борада иқтисодий салоҳиятни оширишга хизмат қиладиган янги кимёвий бирикмалар ва материалларни синтезлаш шароитларини ишлаб чиқиш, уларнинг таркиби, тузилиши ҳамда хоссаларини ўрганиш, маълум соҳаларда қўллаш замонавий кимёнинг долзарб муаммолари сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сонли Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг назарий ва методик асослари, таълим жараёнида ахборот технологияларини қўллаш билан боғлиқ масалалар И.И. Алейникова, С.Б.Зенкина, Г.М.Чернобельская, Н.Е.Кузнецова, Т.А.Боровских, В.П.Беспалько, О.Г.Бодина, А.А.Абдуқодиров, Ф.А.Алимова, Ж.Толипова ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган. Уларнинг фикрича, ўқув жараёнини компьютерлаштириш ва тестлардан фойдаланиш барча даражадаги таълимни такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга бўлиб, фан асосларини чуқур ўрганиш, бутун ўқув жараёнини жадаллаштириш учун кенг имкониятлар яратади.

Кимё ўқитиш методикаси соҳасида ўзбек олимлари Ю.Тошпўлатов, Н.А.Парпиев, Ш.Исҳоқов, Ш.М.Миркомилов, Т.А.Азизов, Н.Г.Раҳматуллаев, Ҳ.Т.Омонов, М.Нишанов, Ш.К.Мамажанов, А.Хайитов, Н.Абдуллаева, В.Г.Юсупов, Ш.Ш.Бегматов, Н.А.Анварова, Э.Эшчанов, Ф.Алимова, Л.Зайлобов, О.Стешина, М.Ажиева, С. Низомова ва Х.Ражабов каби олимлар тадқиқот ишлари олиб борган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида Ю.Н.Кукушкин, Н.А.Костромина, В.Н.Кумок, Н.А.Скорик, Б.Д.Березин, Л.И.Савранский, Т.Н.Ломова, В.В.Скопенко, П.Д.Васильева, А.Д.Гарновский, А.Ю.Цивадзе кабилар фаннинг назарий асослари, О.С.Зайцев, Э.Г.Злотников, Н.Е.Кузнецова, М.С.Пак, В.С.Полосин, Ю.Ю.Гавронская, М.А.Шаталов, Л.А.Жарких, Е.К.Долгань ва бошқалар умумий ўрта ва олий таълимда кимё ўқитишнинг назарий-методик асосларини ўрганган. Т.П.Салькова, М.С.Пак, Г.К.Селевко, Г.М.Чернобельская, П.А.Юцявичене, А.А.Муравьева, Т.Н.Червякова, О.М.Краснова, О.Н.Олейникова, О.В.Романова кабилар ўз илмий тадқиқот ишларида модулли ўқитиш тизимининг назарий асосларини очиб берган.

Хорижлик олимлар Raymond Chang, Z.Tatli, A.Ayaslар кимё фанининг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш масалаларини таҳлил этган бўлса, Jodi L.Davenport, Natasa Rizman Herga ва Dejan Dinevski, Cengiz Tuysuz, K.M.Deters, R.Kozma, J.Ruzell ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида эса бевосита компьютерлардан фойдаланиш муаммолари ўрганилган. Мазкур тадқиқотларда турли техник воситалардан фойдаланиб ўқитиш самарадорли-

гини ошириш йўллари, педагогик дастурлаш воситаларини таснифлаш, ўқитишни компьютерлаштириш муаммолари, хусусан, назорат ишларини тузиш, кимёвий жараёнлар ва ҳодисаларни моделлаштириш, кимёвий тажрибаларни компьютерлаштиришда электрон таълимий воситалардан фойдаланиш масалалари ёритилган.

Бироқ бевосита кимёни ўқитишда компьютер воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ўрганишга бағишланган ишлар жуда кам. Қолаверса, компьютернинг ўқув-тарбиявий жараёндаги имкониятлари етарлича тўлиқ очиб берилмаган. Кимё курси, хусусан, «Комплекс бирикмалар кимёси» фани мавзуларини ўқитишни такомиллаштиришда компьютерда ўргатувчи дастурлар, янги усуллардан максимал фойдаланиш масалалари тадқиқ қилинмаган. Ушбу бўлимлар бўйича ўргатувчи дастурларни ишлаб чиқиш ва яратиш муаммолари ҳамда улардан ўқув жараёнида, индивидуал ва масофавий ўқитишда самарали фойдаланиш методлари етарлича ўрганилмаган. Шу сабабли «Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўқитиш методикасини инновацион технологиялар асосида такомиллаштириш, таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини оширишнинг самарали усул, шакл ва воситаларини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида 2015–2017 йилларда амалга оширилган А-1-230 рақамли «Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» дарслиги ва «Экологик ўлкашунослик» ўқув-методик қўлланмасини тайёрлаш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инновацион ёндашувлар асосида талабаларнинг «Комплекс бирикмалар кимёси» фанига доир назарий, лаборатория, семинар ва мустақил таълим материалларни ўзлаштириш фаоллиги ва кўрсаткичларини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим муассасаларида комплекс бирикмалар кимёсини ўқитишнинг назарий-амалий асослари, ҳозирги ҳолатини таҳлилий ўрганиш орқали талабалар тайёргарлик сифатига қўйиладиган компетенциявий мезонларни аниқлаш;

«Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўрганишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг илмий-педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини асослаш;

олий таълим муассасаларида комплекс бирикмалар кимёсига оид мавзулар бўйича компьютер-ўргатувчи иловаларни яратиш ва қўллашни ҳисобга олган ҳолда маъруза ва лаборатория машғулотларини такомиллаштириш механизмини ишлаб чиқиш, комплекс бирикмалар кимёси фанини ўқитишга доир методик қўлланма яратиш;

педагогик тажриба-синов ўтказиш, унинг натижаларини таҳлил қилиб, тадқиқот ишининг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида педагогик олий таълим муассасалари кимё ва уни ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналиши талабаларига инновацион технологиялар ёрдамида «Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти ва Навоий давлат педагогика институти талабалари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасаларида «Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш мазмуни, шакллари, усуллари ва воситалари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов таҳлили, умумлаштириш, ижтимоий методлар (анкета, савол-жавоб, суҳбат, тест, эксперт баҳолаш), педагогик тажриба-синов, математик статистка методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кимё таълимини ахборотлаштириш шароитида инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш орқали талабалар тайёргарлик сифатига қўйиладиган компетенциявий мезонлар (ташкилий-таълимий-бошқарув шароитлари) такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаларида талабаларга «Комплекс бирикмалар кимёси» фани бўйича таълим бериш сифати мотивацион, мустақил фикрлаш, креативлик, моделлаштириш мезонлари бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш асосида аниқлаштирилган;

кимё таълимида талабаларнинг инновацион-педагогик воситалардан самарали фойдаланиш механизми касбий фаолиятга оид параметрларни аниқлаштириш, фаол ахборот алмашиниш, ўқув материалларини тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантириш асосида аниқлаштирилган;

олий таълим муассасаларида «Комплекс бирикмалар кимёси» фанидан талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичини белгиловчи индикаторлар (ўқитиш сифати, талабалар билими ва битирувчилар сифати, АКТни қўллаш ва бошқа кўрсаткичлар) таълим жараёнида фаолликнинг ошишини рефлексив далиллаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Комплекс бирикмалар кимёси” фанидан методик таъминот, шунингдек, Давлат таълим стандарти малака ва талаблари асосида ўқув дастурлари ва ўқув-методик мажмуа ишлаб чиқилган;

“Комплекс бирикмалар кимёси” фанидан услубий тайёргарликни такомиллаштириш даражалари ва мезон кўрсаткичлари такомиллаштирилган;

таълим муассасалари профессор-ўқитувчи ва талабаларининг “Комплекс бирикмалар кимёси” фани бўйича методик тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган мультимедиали электрон ахборот ресурслари яратилган;

“Комплекс бирикмалар кимёси” фанини ўқитишда илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий этиш бўйича ўқув қўлланма ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва методикалар, фойдаланилган назарий ва амалий ёндашувлар расмий ман-

балардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистика методлари ёрдамида асосланганлиги, методика, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасаларида умумий кимё ва комплекс бирикмалар кимёси фанларини ўқитиш жараёни ахборот-коммуникация ва инновацион педагогик технологияларни қўллаш асосида кимё ўқитувчисининг услубий тайёргарлигини такомиллаштиришга хизмат қиладиган билим, ахборотларни тақдим этиш воситалари, йўллари ва усулларини такомиллаштиришнинг ўқитиш сифатига оид кўрсаткичлар тизими асосида ташкил этилганлиги, «Комплекс бирикмалар кимёси» фанининг Давлат таълим стандарти малака ва талаблари ва ўқув дастурлари ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда инновацион педагогик технологиялар асосида такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ахборот-коммуникация ва инновацион педагогик технологиялар асосида «Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, чора-тадбирлар дастурларини тайёрлаш, кимё таълими мазмуни ва сифати, «Комплекс бирикмалар кимёси» фани бўйича Давлат таълим стандарти малака ва талаблари мазмунига методик жиҳатдан сингдириш, ўқитиш сифатини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасаларида “Комплекс бирикмалар кимёси” фанини ўқитиш методикасини такомиллаштиришга оид тадқиқот натижалари асосида:

кимё таълимини ахборотлаштириш шароитида инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш орқали талабалар тайёргарлик сифатига қўйиладиган компетенциявий мезонларни такомиллаштиришга оид таклифлардан «Kimyo» номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғи). Натижада, мазкур компетенциялар асосида талабаларнинг ўзлаштирилган билим, малака ва кўникмаларни амалда қўллай олишини ривожлантиришга эришилган;

олий таълим муассасаларида талабаларга «Комплекс бирикмалар кимёси» фани бўйича таълим беришнинг мотивацион, мустақил фикрлаш, креативлик, моделлаштириш мезонлари бўйича илмий-методик тавсиялардан «Комплекс бирикмалар кимёси» номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги 654-сонли буйруғи). Натижада, «Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўқитиш самарадорлигини, талабаларнинг фанга бўлган қизиқиши, ижобий муносабати ва ўқув фаоллигини ошириш, ўқув машғулотларини инновацион кўринишда ташкил қилишга имкон яратилган;

кимё таълимида талабаларнинг инновацион-педагогик воситалардан самарали фойдаланиш механизмини касбий фаолиятга оид параметрлар, фаол ахборот алмашиниш, ўқув материалларини тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантириш асосида аниқлаштириш ҳамда олий таълим муассасаларида «Комплекс бирикмалар кимёси» фанидан талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичини белгиловчи индикаторларни таълим жараёнида фаолликнинг ошишини рефлексив далиллаш асосида такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар «Ekologik kimyo» номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 майдаги 394-сонли буйруғи). Тадқиқот натижалари бўлажак кимё ўқитувчиларининг компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та республика ва 9 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 3 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси республика ва хорижий мамлакатларда амалга оширилган тадқиқотлар мисолида таҳлил қилинган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари белгиланган, шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти далиллар ёрдамида кўрсатиб берилган, муҳим натижаларнинг оммалаштирилганлик даражаси ёритилган.

Диссертациянинг **«Олий таълим муассасаларида «Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўқитишнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида жараённи такомиллаштиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш, таълим ва фанни ўқитиш жараёни сифатига бўлган ёндашувлар, тадқиқот муаммосининг республикамизда, МДҲ мамлакатларида ва хорижда ўрганилганлиги ҳақидаги маълумотлар илмий-педагогик ва назарий таҳлил қилинган.

Кимё фанининг энг жадал ривожланаётган соҳаларидан бири – «Комплекс бирикмалар кимёси» замонавий органик, аналитик, биологик ва физикавий кимё фанлари билан узвий боғланган. Комплекс бирикмалар миқдори органик ва ноорганик табиатга эга бўлган моддалар сонига қараганда бир неча минг марта кўпроқ бўлиб, уларнинг янги-янги турларини синтез қилиш

имкониятлари мавжуд. Уларнинг ҳаёт ва халқ хўжалигидаги аҳамияти жуда катта. Масалан, ўсимликларнинг яшил қисмида бўладиган ва фотосинтезни амалга оширадиган модда – хлорофилл магнийнинг комплекс бирикмаси, тирик ҳужайраларни кислород билан таъминлаб турувчи модда – қон гемоглобини темирнинг комплекс бирикмасидир. Жуда кўп минераллар, алюмосиликатлар комплекс бирикмадан иборат.

«Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўрганиш назарий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Фан жадал тараққий этиб боряпти ва мавзу юзасидан жуда кўп илмий янгиликлар кашф қилиняпти. Бу янгиликларни машғулотларда қўллаш талабаларда илмий дунёқарашни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан фан янгиликларини машғулотларда қўллаш ва талабалар билан бу масалаларни назарий ва амалий таҳлил қилиш, фанни ўқитишда инновацион таълим технологиялари ва илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш йўлларини ёритиш, фаннинг ўқув дастури мазмун-моҳиятини очиб беришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, фанни ўқитишда қўлланадиган анимацион дастурлар ва мавзунинг электрон ўқув модули ишланмасини тайёрлаш, фанни чуқур ўзлаштириш учун бу лаборатория машғулотларидаги тажриба ишларини ўрганиш, олий таълим муассасаларида «Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўқитишни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шунингдек, қуйидаги жиҳатларни инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади:

кимё таълим жараёнида талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, таълим-тарбиявий ишларнинг самарали шакл ва усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

кимё фанларини ўқитишда модуль тизимидан фойдаланган ҳолда ўқитиш жараёнини жадаллаштириш;

кимё фанларидан ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш;

кимё фанларини ўзлаштириш жараёнида шу фаннинг ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиққан ҳолда талабаларда соҳага тегишли хусусий компетенцияларни шакллантириш;

кимё таълими жараёнининг янги авлод ўқув-услубий ва дидактик таъминотини яратиш ва амалиётга жорий этиш.

Олий таълим муассасаларида кимё фанларини ўқитишга замонавий ёндашувлар сифатида тизимли, модулли, инновацион, шахсга йўналтирилган каби ёндашувларни келтириш мумкин.

Мазкур ёндашувларга хос хусусиятларни аниқлаш кимёни ўқитиш методикасининг долзарб муаммолари саналиб, ҳар бири машғулотлар давомида алоҳида кўриб чиқилади.

Комплекс бирикмалар кимёси фани мазмуни, уларни танлаш тамойилларини ўрганишга доир ўқув-услубий, дидактик, илмий адабиётлар таҳлилидан маълум бўлдики, тажриба ўтказиш учун Chemistry Laboratory дастурий таъминотидан фойдаланиш мумкин. Жоди Л.Давенпорт бошчилигида бир

қатор олимлар Калифорния ўрта мактабларининг бирида ChemLab+ дастури (www.chemvlab.org) асосида машғулотлар олиб борган. Бу тажрибаларда ҳам ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи ошганлигини кузатиш мумкин.

Словениялик кимёгар педагоглар Nataša Rizman Herga ва Dejan Dinevski ўқувчилар билан анъанавий усулда ва ахборот технологияларини қўллаган ҳолда дарслар олиб борган, тажрибалар натижасида ўқувчилар билимининг ошишига эришилган. Бундай натижага эришганликларини лаборатория машғулотларининг авваллари турли сабаблар билан бажарилмаслиги, компьютер технологиялари ёшлар орасида фаннинг оммавийлашишини таъминлагани, улар анъанавий усулга нисбатан юқори самарадорликка эга эканлиги билан изоҳлашган. Ўқувчиларнинг кимё фанига қизиқиши ортишини бошқа педагог Cengiz Tuysuz ишларида ҳам кузатиш мумкин. Муаллиф кимё дарсларини олиб боришда Macromedia Flash дастурида тайёрланган компьютер анимацияларидан кенг фойдаланиши натижасида ўқувчиларнинг кимё фанини ўзлаштириш кўрсаткичининг ортганлигини кузатган.

Адабиётларда ахборот технологияларининг афзалликлари сифатида талабаларнинг қизиқишлари ортиши, кимё фанига нисбатан қарашларининг ўзгариши кўрсатилган. Бундай хулосага келишнинг асосий сабабларидан бири сифатида ўқув жараёнини масофавий олиб бориш, Интернет ресурслари, адабиётлардан лаборатория ишлари учун зарурий маълумотлар олиш имконияти мавжудлигини тилга олиш мумкин.

Бизнинг тадқиқот ишимизда эса, олий таълим муассасаларида «Комплекс бирикмалар кимёси» фанидан услубий таъминот тизимини такомиллаштириш, талабаларнинг билими, фан мавзулари бўйича ўзлаштирган билимлари асосида ижодкорлигини ошириш, қобилиятини фаоллаштиришга эътибор қаратилган (1-расм).

1-расм. Талабаларда ўқитиш самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш

Расмдан кўриниб турганидек, олий таълим муассасаларида «Комплекс бирикмалар кимёси» фанидан услубий таълимий тизим талабаларнинг ижодкорлигини ошириш, уларнинг ўқув фанига оид ва таянч компетенцияларни эгаллашига хизмат қилади.

Диссертациянинг **«Олий таълим муассасаларида «Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўқитиш методикаси»** деб номланган иккинчи бобида ўқитишда замонавий таълим технологияларидан фойдаланишнинг дидактик ва услубий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Биринчидан, ахборот ҳажмининг кўплиги, кенглиги ва тезда янгиланиб бораётгани; иккинчидан, техник тараққиётнинг жадаллашуви, замонавий асбоб ва анжомлар тез тараққий қилаётгани; учинчидан, ўқитишнинг турли техник воситалари тараққий қилиб бораётгани; тўртинчидан, ташқи таъсирлар, талабалар учун бундан-да қизиқ телефон, Интернет, ижтимоий сайтлар ва ҳ.к. мавжудлиги бугунги кунда машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказишга юқори талаблар қўймоқда (2-расм).

2-расм. Кимё таълимида инновацион технологиядан самарали фойдаланиш механизми

Бугунги кунда қўлланилаётган таълим технологиялари шахсга йўналтирилгандир. Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча восита ва имкониятларини шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиш талаб қилинмоқда. Ўзида ана шу имкониятларни намоён эта олган таълим шахсга йўналтирилган таълим ҳисобланади.

Психологларнинг таъкидлашича, (экранда намойиш этилган) материални кўриб ўрганиш китобдан ўқиб ўрганишга нисбатан самаралироқ экан. Экранда акс этаётган анимациялар, видеотасвирлар, овозли маълумотлар ўрганилаётган ҳодисанинг туб моҳиятини тушуниб етишни осонлаштириб, таълимни ўқувчилар учун қулай ва қизиқ жараёнга айлантиради.

Кимё фанидан лабораториялар ўзида таълим тизимини акс эттирган ҳолда реал оламни компьютерлашган таълимий муҳит сифатида моделлаштиради. Бунда HTML, DHTML, XML форматидаги гиперматнлар ҳамда Java, MC flash, Delphi, C++ ва бошқа дастурий таъминотлар йиғиндисидан иборат

дастурлардан фойдаланилади. Бу дастурлар ёрдамида маълум бир фан бўйича мавзулар мазмуни, масала шартлари ва бошқа топшириқларнинг қулай кўриниш ҳамда интерфейсда таълим олувчиларга тақдим этилиши ўқиш жараёнини қизиқарли, кўргазмали, сифатли бўлишини таъминлайди.

Виртуал лабораториялар асосида лаборатория тажрибаларини ташкил қилиш самарадорлиги қуйидагиларда намоён бўлади, яъни:

а) мураккаб қурилмаларни ясаш;

б) қурилмаларни ва реактивларни сақлаш, уларни алмаштириш шарт эмаслиги билан бир қаторда таъмирлаш ишларини олиб бориш, кимёвий идишларни ювиш каби ишлар виртуал бажарилади. Ҳамма лаборатория ишлари компьютер хотирасида ёки ташқи хотирада (турли ташувчиларда) электрон вариантда ва бир жойда сақланади. Барча компьютер қурилмалари хавфсиз ва уларни ишлатиш мураккаб эмас, улар фойдаланувчидан фақатгина маълум махсус дастурлар билан ишлаш кўникмасини талаб қилади холос.

Ўқув жараёнида талабаларга мавзуларни тушунарли, кўргазмали тарзда етказиб бериш жуда муҳим ҳисобланади, чунки уларни Интернетда, мобил телефонда ёки дискда тарқатиш мумкин. Машғулотни ташкил этишга турлича ёндашиш мумкин. Мавзуларни компакт дискларда ёки Интернет орқали талабаларга етказиш мумкин. Масалан, комплекс бирикмалар олинишига доир лаборатория тажрибаларининг анимациялар воситасида намойиш этилиши таҳсил олувчиларда ахборот технологиялари орқали билим олишга бўлган мотивацияни оширади, уни ривожлантиради, талабалар томонидан кимё фанининг моҳияти ва аҳамиятини тез ва осон тушунишга, кимёвий реакцияларни хавфсиз бажаришга имкон беради.

Кимё таълими тизимида «Тушунчалар таҳлили», «Кейс», «Зинама-зина», «ФСМУ», «Модуль», «Ассесмент», «Технологик харита», «Мультимедиали технология» каби интерфаол технологиялар ва «Кластер», «Муаммоли вазият», «Балиқ скелети», «Пинбоард», «Венн диаграммаси» каби усуллардан фаол фойдаланилади.

Ўқитиш манбалари турлари бўйича оғзаки усулга мисол қилиб «Вернер назарияси»ни ўрганишда мультимедиали технологиядан фойдаланиш босқичларини кўрсатиш мумкин. Бу технология мураккаб ва кўп тармоқли, муаммоли мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда бир йўла мавзунинг турли тармоқлари бўйича ахборот берилади: комплексларнинг изомерияси мавзуси «Тушунчалар таҳлили»; комплекс бирикмаларнинг хиллари «Балиқ скелети»; комплекс бирикмаларнинг инсон организмдаги роли «Муаммоли вазият»; комплекс бирикмаларнинг ишлатилиш соҳалари «Кластер» каби интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда ўрганилади; комплекс бирикмаларнинг кимёвий хоссаларига хос бўлган тажрибалар кўрсатилади; олинган комплекс бирикмаларнинг ранги ҳақида хулоса қилинади.

Мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида мустақил иш, жорий назорат топшириқлари ва мавзулар кесимида тестлар тўплами берилади. Мавзулардаги му-

раккаб тажрибаларни анимация усулидан фойдаланган ҳолда ҳам кўрсатиш мумкин. Бундай усулларда олиб борилган машғулотнинг афзаллик томони шундаки, талабаларнинг машғулот давомида билим олиши фаоллашади, мустақил ва эркин фикрлашга, ижодий қобилиятни ривожлантиришга ва изланишга имкон яратилади. Бундан ташқари, кўп фикрдан зарурини танлаб олиш, таҳлил ва синтез қилиш каби малакалар шакллантирилади, жамоанинг, суҳбатдошнинг фикрини ҳурмат қилиш, ундан керакли хулоса чиқаришга ўргатилади. Мавзуларни ўрганиш жараёнида ўқув-услубий, техник ва ёрдамчи воситалардан фойдаланилади, талабалар билан ҳамкорликда, катта ва кичик гуруҳларда, якка ҳолда ишлаш амалга оширилади ва таълимий самарадорликка эришилади.

«Комплекс бирикмалар кимёси» фанини интерфаол технологиялар асосида ўқитишда мустақил ишлаш ва ўз-ўзини назорат қилиш усули алоҳида ўрин эгаллайди. Ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ташкил этилган машғулотлар талабалар томонидан янги билимларни ўзлаштириш, излаш, жамлаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва узатиш, ўзиниўзи баҳолаш каби ишларни амалга оширишга хизмат қилади.

Фанни ўқитишда талабалар билимидаги бўшлиқлар аниқланиб, модуль технологиясини қўллаш натижасида коррекцион вазифалар амалга оширилди ва услубий тавсиялар ишлаб чиқилди. «Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўқитиш жараёнини такомиллаштиришнинг амалий-технологик модели 3-расмда келтирилган.

Ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзуларга оид қўшимча маълумотлар ҳамда қизиқтирган саволларга жавобларни талабалар Интернет тармоғидан топишлари мумкин. Шунингдек, мавзуга оид савол ва топшириқлар, тестларни бажариш орқали талаба олган билимларини синайди, баҳолайди, янада кўпроқ билим эгаллашга интилади. Натижада, талаба учун мавзуларни кенгроқ ва мукаммалроқ ўзлаштириш имконияти вужудга келади. Бу эса атрофда содир бўлаётган кимёвий жараёнларни мукаммалроқ ва чуқурроқ ўрганишга имкон беради.

Диссертациянинг **«Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва уларни ўтказиш»** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов мақсади, вазифалари, унинг ташкил қилиниши ва натижалари таҳлили баён қилинган.

Педагогик тажриба-синов ишлари 2015–2018 йиллар давомида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти бакалавриат йўналиши талабалари билан «Комплекс бирикмалар кимёси» фани мавзуларини ўқитиш мисолида олиб борилди. Талабаларнинг умумий сони 234 нафарни ташкил этди ҳамда уларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари 5 баҳолик тизимда аниқланди.



3-расм. «Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўқитиш жараёнини такомиллаштиришнинг амалий-технологик модели

5110300 – Кимё ўқитиш методикаси таълим йўналишининг 3-босқич талабалари учун «Комплекс бирикмалар кимёси» фани бўйича дастурда 36 соат маъруза, 24 соат лаборатория, 16 соат семинар ажратилган. Тажриба-синов ўтказиш мақсадида 3 та ОТМларнинг 3-босқичидаги 301-гуруҳлар (назорат гуруҳи) ва 302-гуруҳлар (тажриба гуруҳи) танланган.

Дастлаб, талабаларнинг билим даражаси аниқланди. Бунинг учун танланган гуруҳларда «Комплекс бирикмалар кимёси» фани мавзулари бўйича оғзаки сўров асосида синов, 20 та савол ва сифатий масалалардан иборат тестлар тақдим этилди ҳамда талабаларнинг билим даражаси аниқланди.

3 босқичларнинг 301-кимё ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналиши гуруҳларида оғзаки савол-жавоб натижалари 68,5%, тест натижалари 61% ни, 302-кимё ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналиши гуруҳларида эса оғзаки савол-жавоб натижалари 69,4%, тест натижалари 63% ни кўрсатди (4-расм).



4-расм. Тажриба-синовдан олдин назорат ва тажриба гуруҳларида ўзлаштириш кўрсаткичлари

Бу маълумотлар ҳар иккала гуруҳнинг ўзаро билим даражаси яқин эканлигини кўрсатади. 301-гуруҳлари назорат гуруҳлари сифатида танланди ва уларга анъанавий усулда машғулотлар ўтилди. 302-гуруҳлар тажриба-синов гуруҳлари сифатида танланиб, компьютерда тайёрланган методик ишланмалар асосида машғулотлар ўтилди. Машғулотларда инновацион технологиялар қўлланилиб, педагогик тажриба-синов ўтказилди (5-расм).



5-расм. Тажриба-синовдан олдин назорат ва тажриба гуруҳларида ўзлаштириш диаграммаси

Натижада, 3-босқичларнинг 301-гуруҳларида оғзаки савол-жавоб натижалари 69%, тест натижалари 62,5% ўзлаштиришни кўрсатди. 302-гуруҳларида эса оғзаки савол-жавоб натижалари 80%, тест натижалари 75,7% ўзлаштиришни кўрсатди (6-расм).

6-расм. Тажриба ўтказилгандан кейинги натижалар

Тажриба ўтказилгандан кейин гуруҳларнинг натижалари ўзаро таққосланди (7-расм).



7-расм. Тажриба-синовдан кейин назорат ва тажриба гуруҳларида ўзлаштириш кўрсаткичлари



8-расм. Тажриба-синовдан кейинги натижалар диаграммаси

Диаграммадан кўринадики, тажриба-синов гуруҳларидаги талабаларнинг ўртача ўзлаштириши назорат гуруҳларидагига қараганда 13% ни ташкил этди. Бу амалга оширилган тажриба-синов ишининг самарали эканлигидан далолат беради.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

«Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулоса ва тавсияларни тақдим этиш учун асос бўлди:

1. «Комплекс бирикмалар кимёси» ва «Умумий кимё» ўқув фанларини ўқитиш жараёнида инновацион технологиялар муҳити асосида усулларнинг такомиллаштирилган механизмларини яхлит тизим сифатида ишлаб чиқиш, уларнинг афзаллик томонларини кўрсатиш ва бу усулларни қўллаш орқали самарадорликка эришиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

2. Инновацион технологиялар ва ахборотлашган муҳит асосида «Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўқитишнинг мазмуни, усуллари, воситалари, шакллари ва педагогик шарт-шароитлари, тамойиллари ўрганилди. Олий таълим педагог ходимларида инновацион фаолиятни шакллантирувчи, унинг назарий ва амалий асосларини илмий жиҳатдан асослаб берувчи манбалар ҳамда шу йўналишда мавжуд муаммоларни ҳал қилишга оид услубий тавсиялар ва қўлланмаларнинг танқислиги аниқланди. Инновацион технологияларни қўллаш натижасида «Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўқитишнинг самарадорлигини таъминлаш имкониятлари мавжудлиги асослаб берилди. Олиб борилган тадқиқот айнан шу муаммонинг ечимига қаратилиб, «Комплекс бирикмалар кимёси» ва «Умумий кимё»ни ўқитишда инновацион технологияларни қўллашнинг услубий таъминот комплекси яратилди. Услубий қўлланмалар ва тавсиялар кимё таълимида самарадорликни таъминлашга қаратилган.

3. Олий таълим муассасаларида «Комплекс бирикмалар кимёси» ва «Умумий кимё» фанини ўқитишда танқидий ҳамда ижодий тафаккурни рағбатлантириш, услубий тайёргарликни ошириш, илғор педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда ўқитишнинг интерфаол усулларига оид назарий ва амалий билимлардан фойдаланиш, кўникма ва малакаларни мунтазам такомиллаштириб бориш ва уларни амалиётда қўллаш орқали талабаларнинг келгусидаги касбий компетентлилиги шакллантирилди.

4. Олий таълим муассасаларида «Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўқитишда фан мавзулари инновацион педагогик муҳит асосида тизимлаштирилган, у янги дидактик имкониятларни очишга ҳамда мазкур ўқув фани мавзуларини ўқитиш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

5. Олий таълим муассасаларида «Комплекс бирикмалар кимёси» фанидан лаборатория ишлари, намойишли тажрибалар, мустақил таълимни табиий ва виртуал шаклларда аудитория шароитида ташкил этиш ва ўтказиш, фанни ўқитишда инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини

интеграциялаш асосида талабаларнинг мотивацион, креатив, мустақил фикрлаш кўникмаларини такомиллаштиришга эришиш ва вақт сарфини оптималлаштириш мумкинлиги тадқиқот жараёнида ўз тасдиғини топди.

6. Ўтказилган педагогик тажриба-синов натижасига кўра инновацион технология муҳитида «Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўқитишда эришилган самарадорлик математик статистик усуллар ёрдамида исботланди. Шу асосда «Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўқитишда қўлланадиган ҳамда таълим сифатини оширишнинг педагогик кафолати сифатида қараш мумкин бўлган педагогик шарт-шароитни юзага келтириш имкони яратилди. Олий таълим муассасаларида «Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўқитишни такомиллаштириш бўйича ўтказилган педагогик тажриба-синов иши якуни унинг самарадорлигини тасдиқлади.

7. «Комплекс бирикмалар кимёси» фанида кимёвий жараёнларни ўрганишга йўналтирилган илмий-услубий тавсиялар ва ўқув-услубий қўлланма кимё таълимида самарадорликни оширишга қаратилган бўлиб, Давлат таълим стандартида белгиланган малака ва талабларни таъминлашга хизмат қилади.

Олий таълим муассасаларида «Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўқитиш методикаси ҳамда талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларига қўйилган талабларни такомиллаштиришга оид қуйидаги таклиф ва тавсиялар тақдим этилди:

1) «Комплекс бирикмалар кимёси» фанидан услубий таъминотни такомиллаштириш мақсадида унинг мазмунига ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини кенг жорий этиш ва улардан машғулотларда унумли фойдаланиш;

2) «Комплекс бирикмалар кимёси» фанини ўқитишда илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий этиш бўйича илмий-услубий қўлланмалар (ҳам ўқитувчи, ҳам таҳсил олувчи учун) яратиш кўламини кенгайтириш;

3) педагогик олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчи ва талабаларининг «Комплекс бирикмалар кимёси» фани бўйича услубий тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган мультимедиали электрон ахборот ресурсларини яратиш ва улардан «Комплекс бирикмалар кимёси» фани машғулотларида самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Ped.01.09 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА, ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ, ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ

ШОМУРОТОВА ШИРИН ХАЖИЕВНА

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ ДИСЦИПЛИНЫ «ХИМИЯ КОМПЛЕКСНЫХ СОЕДИНЕНИЙ» В ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (химия)

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.4.PhD/Ped1212.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.nuu.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Абдуллаева Барно Сайфутдиновна** доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Бабаев Туйгун Мирзаахмедович** доктор химических наук, профессор
	Шоймардонов Туймурод Турдиалиевич доктор философии по педагогическим наукам (PhD)
Ведущая организация:	**Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в ___часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.Ped.01.09 при Национальном университете Узбекистана, Ташкентском химико-технологическом институте, Ташкентском государственном педагогическом университете. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Университетская, дом №4. Тел.: (+998) 71–246–67–35; факс: (+998) 71–246–02–24; e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека (зарегистрирована за №___). Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Университетская, дом №4. Тел: (+998) 71–246–67–71.

Автореферат диссертации разослан «__» _____2020 года.
(реестр протокола рассылки №_____ от ____ __2020 года)

М.М.Арипов
председатель Научного совета
по присуждению ученых
степеней, д. ф-м. н., проф.

Д.М.Махмудова
ученый секретарь Научного
совета по присуждению ученых
степеней, д. ф. п. н. (PhD)

М.Тухтасинов
председатель научного семенара
при Научном совете по
присуждению научных
степеней, д. ф-м. н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире проводятся эффективные исследования по улучшению качества преподавания химии, внедрению инновационных и информационных технологий, интегрированию, использованию возможностей комбинированного обучения, созданию современного методического обеспечения, направленного на развитие интеллектуального потенциала, творческих способностей и повышение уровня знаний студентов. Специалистами ведущих научных центров и вузов мира разработаны рекомендации в области совершенствования процесса преподавания химии на основе инновационных и информационных технологий, применения в образовательном процессе научных разработок по теоретико-методологическим и методическим основам преподавания.

В мировой масштабе особое внимание уделяется повышению эффективности преподавания естественных наук, формированию теоретических основ химии с помощью информационных технологий и инновационных педагогических технологий. На сегодняшний день в зарубежных странах осуществлен ряд практических работ по созданию учебных и научных лабораторий. В этих исследовательских работах эксперименты с использованием Интернета или жестких дисков проводятся с помощью двумерных графических моделей. Разработан комплекс Virtual Chemical Lab для проведения химических экспериментов с трехмерными графиками. В Оксфордском университете созданы видеофрагменты Virtual Chemistry, предназначенные для проведения экспериментов.

В нашей республике вопросы совершенствования образовательно-воспитательной системы и воспитания гармонично развитого поколения стали приоритетным направлением государственной политики. В образовательной системе страны осуществляются широкомасштабные реформы по внедрению в образовательный процесс инновационных технологий и информационно-коммуникационных средств, повышению интенсивности и эффективности обучения, приведению их в соответствие с международными стандартами. В концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года определены такие задачи, как «совершенствование методики обучения, постепенное внедрение принципов индивидуализации в учебно-воспитательный процесс, современных информационно-коммуникационных технологий и инновационных проектов в сфере народного образования»[1]. Наиболее актуальной проблемой современной химии считаются разработка условий синтеза новых химических соединений и материалов, служащих повышению экономического потенциала страны, изучение их состава, строения и свойств, применения в определенных отраслях.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных в Указе Президента Республики

[1] Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5712 от 29 апреля 2019 года «Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» // Национальная база сведений о законодательных документах, 06/19/5712/ № 3034, 29.04.2019 г.

Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы высшего образования», № ПП-3151 от 27 июля 2017 года «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Теоретические и методические основы пользования информационно-коммуникационными технологиями, вопросы применения информационных технологий в образовательном процессе изучены в научных трудах И.И.Алейниковой, С.Б.Зенкиной, Г.М.Чернобельской, Н.Е.Кузнецовой, Т.А.Боровских, В.П.Беспалько, О.Г.Бодиной, А.А.Абдукодирова, Ф.А.Алимовой, Ж.Толиповой и др. По мнению исследователей, компьютеризация учебного процесса и использование тестов имеет большое значение для совершенствования образования на всех уровнях, создавая широкие возможности для глубокого изучения основ науки, интенсификации всего учебного процесса.

Исследования в области методики преподавания химии проводили узбекские ученые Ю.Тошпулатов, Н.А.Парпиев, Ш.Исхоков, Ш.М.Миркомилов, Т.А.Азизов, Н.Г.Рахматуллаев, Х.Т.Омонов, М.Нишанов, Ш.К.Мамажанов, А.Хайитов, Н.Абдуллаева, В.Г.Юсупов, Ш.Ш.Бегматов, Н.А.Анварова, Э.Эшчанов, Ф.Алимова, Л.Зайлобов, О.Стешина, М.Ажиева, С.Низомова, Х.Ражабов.

В работах таких ученых из стран Содружества Независимых Государств, как Ю.Н.Кукушкин, Н.А.Костромина, В.Н.Кумок, Н.А.Скорик, Б.Д.Березин, Т.Н.Ломова, В.В.Скопенко, Л.И.Савранский, П.Д.Васильева, А.Д.Гарновский, А.Ю.Цивадзе, изучены теоретические основы науки; О.С.Зайцев, Э.Г. Злотников, Н.Е.Кузнецова, М.С.Пак, В.С.Полосин, Ю.Ю.Гавронская, М.А. Шаталов, Л.А.Жарких, Е.К.Долгань рассматривали теоретико-методические основы преподавания химии в учреждениях среднего и высшего образования. Т.П.Салькова, М.С.Пак, Г.К.Селевко, Г.М.Чернобельская, П.А.Юцявичене, А.А.Муравьева, Т.Н.Червякова, О.М.Краснова, О.Н.Олейникова, О.В.Романова и др. осветили теоретические основы системы модульного обучения.

Ученые дальнего зарубежья Raymond Chang, Z.Tatli, A.Ayas проанализировали вопросы совершенствования научно-теоретических основ химической науки, а Jodi L. Davenport, Natasa Rizman Herga и Dejan Dinevski, Cengiz Tuysuz, K.M.Deters, R.Kozma, J.Ruzell и др. изучали проблемы использования компьютеров непосредственно в своих исследованиях, в которых осветили

